

Дунё

Сериалда
реклама

намоиш этилмайди

Барча компания ва ташкилотлар ўз махсулотлари рекламасини энг қизиқарли телешоулар, сериаллар бошланишидан аввал ёки ўртасида ёйинки тугагач, эфирга узатилишини хоҳлайди. Шу боис ҳам сериаллар томошаси реклама томошаси билан қоришиқ ҳолда олиб борилади.

Бироқ Хитойда ундай эмас. Хитойнинг радио ва телевидение бўйича давлат бошқармаси турли кўнгилочар кўрсатувлар намоишини уч барабар қисқартирган, сериал намоиши пайтда эса реклама беришни тақиқлаган.

Бундан ташқари, мамлакатда одамларнинг телевизор кўришга энг мақбул бўлган вақти — кеч соат 19:30 дан 22:00 гача хорижий сериаллар намоиши тақиқланган. Шунингдек, 50 қисмдан ортиқ сериал ҳам телевидение орқали намоиш қилинмайди. Хорижий шоуларнинг эфирга узатилиши қўлиқ эфир вақтининг чорак қисмидан ортиб кетмаслиги шарт.



«China Daily» газетаси хабарига қараганда, бундай чоралар белгиланишидан мақсад намоиш этиладиган хорижий сериаллар ва шоуларнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини назарда тутган ҳолда уларнинг юксак савияда тайёрланганига алоҳида эътибор қаратишдир. Шу билан бирга, Хитой сериаллари савиясини янада кўтартириш ва ривожлантириш ҳам мақсад-муддаолардан биридир.

Ҳалол яшаш

виждонга боғлиқми?

Ҳалол яшаш виждонга боғлиқми, деган савол ўртага ташланса, ақсарит одамлар «ҳа» деб жавоб бериши тайин. Бироқ кейинги пайтларда виждонли бўлиш анча мушкул масалага айланиб бораётгани ачинарли.

Бундай дейишимизга сабаб Буюк Британиянинг Эссекс университети олимлари ўтказган тадқиқот-кузатув натижалари эълон қилингандир. Аҳоли орасида олиб борилган тадқиқот-кузатув ҳулосаларига кўра, кейинги йилларда ҳалол, пок яшаш турмуш тарзидан чиқиб бормоқда.

Турмуш ўртоғига ҳиёнат қилиш ҳолатлари кўпайган, арзимоган, майда-чуйда алдоқчилик оммавийлашган, майда ҳуқуқбузарликлар кўпайиб бормоқда. Энг ачинарлиси, жамиятда учраётган виждонсизликка қўнлик бепарво муносабатда бўлмоқда. Айниқса, «виждон инкирози»га ҳам оҳанг тарзда «ишонч инкирози» ҳам томир отиб бормоқда. Одамларнинг ўз яқинларига ишонмаслиги баробарида ҳатто сиёсатчиларга, полиция ва ёшларга ҳам ишонч сўниб бормоқда. Айниқса, ҳар ун британияликдан иккиси сиёсатчиларга умуман ишонмай қўйган. Ҳатто ноҳукумат ташкилотларига ҳам ишонч қамайган — 42 фоиз аҳолигина уларга ишонишини билдирган.

2000 йилги сўровларда аниқланган эдики, иштирокчиларнинг 70 фоизи «Ҳиёнатни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди» дея жавоб берган бўлса, бугунги кунда бундай фикрдагилар камийиб кетган, яъни 50 фоизга тушиб қолган. Бировнинг пулини ўзлаштириш ёки бировнинг маблағидан оғринмай фойдаланиш ҳолатини аввал 60 фоиз иштирокчи ёмон иллат эмас, деб ҳисоблаган бўлса, бугун улар 80 фоизга бориб қолди.

Буларнинг барчаси кишини ўйлантирмай қўймайди: Виждонни уйғотиш, виждончиларни қўпайтириш учун нима қилиш керак? Айнан шундай саволлар бугун барча-мизни ўйлантириш ва ҳаётга тегаран идрок билан қарашга ундаши шарт.

МУСТАҚИЛЛИК ИМКОНияТЛАРИ

Тарихимизнинг ноёб ёдгорлиги

Жонажон Ватан тарихини ўрганиш унинг буюк сиймолари ҳаёти, шаън-шукӯҳи билан фахру ифтихор этиш туйғусидан келиб чиқади ва чиндан ҳам, шундай ишга қўл урган арбоб, олим ёки адибга қарата ҳақиқий Ватан ўғли экан, ўз фарзандлик бурчини адо этибди, деб тасаннолар айтамыз.

Профессор Акмал Саидовнинг «Ҳазрат Занги ота» китоби ана шу фикримизга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов томонидан китобга ёзилган сўзбоши «Фарзандлик масъулияти» деб номлангани ҳам бежиз эмас.



Муаллиф китобни ёзишга киришишдан олдин узок тайёргарлик кўргани, чуқур излашлар қилганлиги, синчковлик билан катта илмий-тадқиқот ишлари олиб боргани шундоққина намоён бўлиб турибди. Келтирилган далилларнинг қайта-қайта назардан ўтказилгани, текширилгани, китоб охирида айрим сўз ва ибораларга батафсил изоҳ берилиши унинг илмий-маърифий қиммати юксак даражада бўлишини таъминлаган.

Халқимизнинг улуг пирларидан бўлган Занги отанинг гаройиб ҳаёти, унга бўлган муносабатлар, Арслонбоб, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота каби устозлари ва Ўзун Ҳасан ота, Сайид ота, Бадр ота, Садр ота сингари халифа-издошлари силсиласи, оила ва авлодлари, тугилиб ўсган ҳамда истикомат айлаган юртлари, маҳалли ва даҳаси, қишлоғи тарихи, пир шахсияти ҳамда фаолиятининг ўрганилиши, ҳаётининг кўҳна кўлбазмалар ва тарихий асарлардаги талқини, тасаввуф ва

суфийлик таълимотида зикри жажрий айнан Занги ота томонидан кашф этилгани ва шоғирдлари уни такомиллаштиргани, шу боис мазкур зикр тури баъзан «Занги ота зикри» номи билан ҳам қўлланилгани маълум.


Учинчидан, Амир Темур адабиёт ва санъатнинг қадрига етadиган, жуда кўп шеърий ва насрий асарлардан хабардор зот бўлган. Шу маънода, Занги ота шахси ҳам машойих ва суфий, ҳам ҳаким ва шоир, ҳам ориф ва қароматгўй авлиё сифатида Амир Темурнинг эътиборини тортган ҳамда ўзига мухлис қилиб олган бўлса ажаб эмас.

Тўртинчидан, Амир Темур ўша даврнинг бир қатор машҳур мутасаввифлари, хусусан, Амир Кулол, Шамсиддин Кулол, Сайид Барака, Зайниддин Абу Бакр Тойободий, Бобо Сунгу, Хожа Али каби шайхлар билан дўстлик ришталарини боғлаган, уларнинг пиру устозлари бўлмиш кўплаб азиз-авлиёлар мазорлари устига мақбаралар тиклаган.

Занги отанинг халқ орасида катта обрў-эътиборга эгалигини, унинг Сайид ота каби илғор шоғирдлари Яссавий ҳикматлари билан қўролланиб, мўғулларни туркий тил ёрдамида мусулмонликка даъват қилганини Амир Темур яхши билган, албатта. Шунинг учун Сохибқирон Занги отага ихлос қўйиб, ул зотнинг қабри устига ҳам кўркам мақбара қурдирган.

Бешинчидан, Тошкент ҳудуди Амир Темурнинг шимолдаги ерларга ҳарбий юришлари арафасида буюк саркарданинг қўшинлари тўпланганидан ёхд олс саркарлардан сўнг тўхтаб ўтadиган стратегик манзил, Тошкент шаҳри эса мустаҳкам ҳарбий истеҳком хисобланган.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Сохибқирон ҳазратлари Туркистон ўлкасида буюк ва қудратли давлат барпо этишда Тошкентнинг қандай ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам Тошкент ҳақиқи равишда теурийлар давлатининг



Санжар ШОТЛАГАНОВ олган сурат.

мустаҳкам кўрғонига, салтанат таянчига айланди».

XIV асрнинг сўнгги йигирма йили давомида Сохибқирон томонидан Тошкент ҳудуди тубдан кенгайтирилган, унинг муҳофаа тизими қайтадан қурилган. Шаҳар атрофида ҳам бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Занги ота мажмуаси Амир Темурнинг Шош минтақасидаги шу каби изчил ободлик фаолияти доирасида бунёд этилган.

Олтинчидан, Амир Темур 1361, 1363-1367, шунингдек, 1391, 1405 йиллари Тошкентда бўлган. Шундай таширларидан бирида Сохибқирон бу ерда маълум муддат бечоб бўлиб ётган. Айрим манбаларга кўра, Амир Темур мўътабар аждодларнинг руҳий мададига ишонгани учун соғайиши билан азиз-авлиёларнинг мақбараларини обод этишни ният қилган. Занги ота мажмуаси ана шу қўлтуғ ниятнинг амалдаги ижобатидир.

Еттинчидан, Шош минтақасида, айниқса, Тошкент шаҳрида ўша даврда йирик зиёратгоҳлар ва меъморий ёдгорлик обидалари мавжуд бўлгани учун Амир Темур Занги ота мажмуасини барпо этиш орқали бу бўшлиқни тўлдирish чорасини кўрган.

Саккизинчидан, мўғуллар босқини оқибатида юз берган шафқатсиз вайронгарчилик-

лардан сўнг Шош минтақасида бир ярим аср давомида биронта масжид, мадраса ва мақбара тикланмаган. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Сохибқирон бу ҳудудда ўз салтанатининг нуфузига мос келадиган муҳташам меъморий обиди қурдирган.

Тўққизинчидан, Занги ота тарихий-меъморий ансамблининг барпо этилиши, айрим манбаларга кўра, Амир Темур туркий халқларнинг атоқли дин арбоблари мазорларида хотира маросимлари ўтказиш, шу аснода давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал этиш аънаъасига риоя қилганининг ўзига хос намоёнидир.

Учинчидан, ушбу мажмуанинг бунёд этилиши Амир Темурнинг, ҳойнаҳой, 1396 йилги Туркистонга сафари чоғида Хожа Аҳмад Яссавий мажмуасини бунёд эттириши воқеалари билан узвий боғлиқ. Қўриб турганимиздек, келтирилган сабабларнинг барчаси асосли ва бири бошқасини моҳиятан тўлдирadi, лекин инкор этмайди. Энг муҳими, бу сабаблар неғизда Занги ота мажмуасини XIV асрнинг 90-йилларида Амир Темур қурдиргани факти ўзининг қайта-қайта тасдиғини топган.

Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур ва теурийлар даврида Мо-вароуннаҳр ва Хуросон дунёнинг энг ривожланган ўлкаси сифатида машҳур бўлган. Бу

даврда қанчадан-қанча жозибали ва ҳайратомуз тарихий обидалар бунёд этилган ва уларнинг айримлари бизгача етиб келган. Занги ота ансамбли шундай бебаҳо меъморий ёдгорликлардан биридир.

XV асрнинг биринчи ярмида, яъни Мирзо Улугбек ҳукмдорлик қилган даврда Шош минтақаси ҳам ушбу Теурий шоҳга қарашли ҳудуд ҳисобланган. Чунки Амир Темур 1404 йили Тошкент шаҳрини севикили невараси Мирзо Улугбекка суюрғол қилиб берган. Мирзо Улугбекнинг кўрсатмаси билан 1420 йилда Занги ота меъморий мажмуасининг ҳозирги пештоқи барпо этилиб, безак ишлари бажарилган, ҳалимхона ва зиёратчи-лар учун ҳўқралар қурилиши якунига етказилган.

Алкисса, китоб бу каби қизиқарли тарихий материалларга бой, қолаверса, ниҳоятда тушунарли тилда ишчи этилган. Мазкур китоб тарихимизни ўрганаётган олимлар ва адибларга жуда-жуда зарурдир. «Ҳазрат Занги ота» китоби, айниқса, ёшларимизга гоғтада фойдали бўлишига, эл-юртимиз тарихини тегаран идрок этишда уларга янги қўқувват бағишлашига асло шубҳа йўқ.

Мухаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
филология фанлари номзоди.



Жорий йил бошидан буён банкнинг барча молиялаш манбалари ҳисобидан республика-мизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 432,2 миллиард сўм кредитлар ажратилди. Бунда асосий эътибор тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламини, шу жумладан, хотин-қизлар, ёшлар, қол-леж битирувчиларини тадбир-

қиладиган бўлса, йилнинг ўтган олти ойи мобайнида банк томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар ҳажми 34,3 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, вилоятда хотин-қизлар тадбиркорлигига 5,3 миллиард сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес фаолиятини ривожлантиришга 3 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, яқинда Андижон шаҳрида АТБ «Микрокредитбанк» вилоят филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Филиалнинг иш бошлаши муносабати билан ўн нафар қол-леж битирувчисига банкдан имтиёзли сармоя олиш имконини берувчи махсус сертификатлар ҳам топширилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳудудларда банк филиалларининг қўпайиши тадбиркорлик субъектлари банк хизматларидан янада кенгроқ фойдаланишига, қўллаб иш ўринлари яратилишига қўшимча имконият яратади.

Тоштемир МУРОД

РЕКЛАМА ЎРНИДА

АТБ «Микрокредитбанк»
фаолияти янада кенгаймоқда

Акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мижозларга турли банк хизматлари кўрсатиш юзасидан эътиборга молик ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда банкнинг 85 филиали ва 140 минибанки республика-мизнинг барча минтақаларидаги, жумладан, энг чекка ҳудудлардаги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда банк мижозлари сони қарийб 290 мингга ташкил этмоқда.

Биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 8,1 фоизга ўсди. Экспорт ҳажмларининг 7,4 фоизга ўсиши ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ортиқ бўлмади.



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини тубдан қўпайтириш, хизматлар ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, ички талабни мутаносиб рағбатлантириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг 13,5 фоизга, чакана товар айланмасининг 14,8 фоизга ва хизматларнинг 13,1 фоизга ўсишини таъминлади.



«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» Х ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

Санъатни, музикани бутун қалби билан севадиган, ижод аҳлини муносиб қадрлайдиган ўзбек халқи «Шарқ тароналари» фестивалининг ҳар бир анжуманини катта байрамдек орзиқиб кутади, барча иштирокчиларнинг санъатига юксак ҳурмат билан қараб, уларнинг чиқишини самимият билан қарши олиб, ўз хурсандчилиги ва миннатдорчилигини билдиради.

Ислом КАРИМОВ.



ўрнатишда анчагина мураккаб жараёнлардан ўтишга тўғри келарди. Эндиликда эса майдонда мармардан барпо этилган кулай амфитеатр юзага келди. Зиналардан иборат мармар тахтачалар устига ўриндиқлар ўрнатишга бас, томошабин учун ҳамма шароит муктаб этилади.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Камолддин Мизамов республикамизнинг турли ҳудудларидан 130 нафардан орқит раққоса таклиф этилгани, улар тайёргарлик машқларини кўнгилдагидек олиб бориши учун яратилган шароитлар, фон гуруҳида 300 нафардан орқит самарқандлик талабақизлар қатнашаётганини гапириб берди.

— Фестивалнинг очилиш маросимида намойиш қилинадиган театрлаштирилган томошаларда буюк алломаларимиз сиймолари акс эттирилади, — дейди Камолддин Мизамов. — Хорижий санъаткорларнинг саҳнага чиқиш олдидан Тиллакори мадрасасида тайёргарлик қўриши учун етарли шароитлар яратилди.

Регистоннинг бугунги файзу тароватига кўрк қўшаётган янги замоний ёритиш ускуналари ва бошқа қулайликлар нуфузли анжуманга ҳозирлик ишларининг бир зум бўлса-да, тўхтамаётганидан далолат беради, юракларга қувонч солади. Бу қувонч эртага «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали иштирокчилари, хорижий сайёҳлар қалбига кўчиб ўтади.

Абдусул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИНИНГ ПЕДИАТРИЯ ТИЗИМИ: ўзгаришлар, ютуқлар, истиқболдаги вазифалар

Соғлиқни сақлаш вазирлиги шу мавзуда матбуот анжумани ўтказди. Унда ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт олий ўқув юртли ва болалар шифохоналари олимлари ҳамда шифокорлар, ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

— Бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, педиатрияда жон тиббиётининг илгор услубларини жорий этишга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов. — Қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасида аҳоли, жумладан, болаларга бирламчи тиббий-профилактика, диагностика, даволаш ёрдами кўрсатиш бўйича замоний тизим барпо этилди. Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, ҳудудлардаги кўп тармоқли тиббиёт ва диагностика марказлари, шунингдек ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан бу йўналишда кенг қамровли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айни пайтда юртимизда 5760 нафар педиатр, 1420 нафар неонатолог, 811 нафар болалар хирург, 263 нафар болалар офтальмолог, 662 нафар болалар невропатолог, 800 нафарга яқин болалар стоматолог ва бошқа мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида «Соғлом она — соғлом бола» гоясини ўзда мужассам



ЎА олган сурат.

этган дастурлар асосида кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилиши натижасида скрининг ва перинатал каби янги тиббий марказлар ва уларнинг вилотлардаги филиаллари миллий тиббиётимиздан мустақкам ўрин эгаллади. Бундан ташқари, айни пайтда юртимизда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг жойлардаги филиаллари ҳамда ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт муассасалари оналар ва болалар соғлигини мустақкамлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив соломатлигини янада мустақкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги

босқичини бошлаб берди. Ана шу дастур асосида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замоний ташхис услубларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсимирлар касалликларининг олдини олиш бўйича беш йилга мўлжалланган қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, болаларга тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган шифо масканларини модернизациялаш, янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётган.

Бугунги кунда олимларимиз болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида жон тиббиётининг илгор технологияларини чуқур ўзлаштириш баробарида илм-фаннинг долзарб масалалари ечими юзасидан кўплаб

илмий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Бунинг натижасида кардиожаррохлик, қулоқ, томоқ, бурун, гастроэнтерология, невропатология ва бошқа йўналишларда янги даволаш амалиётлари жорий этилди. Бундай кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида болаларнинг касаллигини кўрсаткичи камаймоқда. Мамлакатимиздаги болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стандартларига тўла мос келади.

Матбуот анжуманида педиатрия хизматининг истиқболдаги илмий-амалий лойиҳалари, тиббиёт муассасаларини модернизациялаш бўйича режалаштирилаётган тадбирлар ҳусусида ҳам маълумот берилди. Шунингдек, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан жавоб олишди.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хурматли юртдошлар!

ИПОТЕКА BANK

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки

Сизларга маблағингизни кўпайтириш учун қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

«Қалдирғоч»

Саклаш муддати: 1, 3, 5 ва 6 ой. Банкдаги мавжуд муддатли омонатларни қайта расмийлаштириш орқали омонатга пул маблағлари қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олиш мумкин.

«Обод турмуш»

Саклаш муддати: 3, 6 ва 9 ой. Фоизлар бўйича даромадни ҳар ойда олиш мумкин.

«Оила»

Саклаш муддати: 15 кун, 1 ва 2 ой. Фоизлар бўйича даромадни ҳар ойда олиш ва омонатга қўшимча маблағ қилиш мумкин.

Хорижий валютада:

«Капитал люкс»

Саклаш муддати: 1 ойдан 6 ойгача, 6 ойдан 12 ойгача, 12 ойдан юқори. Фоизлар бўйича даромадни ҳар ойда олиш мумкин.

Сизнинг омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Сизнинг омонатларингиз:

- ❖ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод қилинган;
- ❖ маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ❖ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда.

«Ипотека-банк» — имконият яратамиз

Мурожаат учун телефонлар: (0-371)150-89-17, 150-89-57, 150-89-58.

www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ И 16м³

АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³



КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ И 12м³

ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» ИЛИ «MAN» (4х4) ИЛИ (6х6) 18-24 ЧЕЛОВЕК



АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» ИЛИ «ISUZU» 6м³, 8м³, 12м³

АВТОЦИСТЕРНА-КИСПОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» 6м³ ИЛИ 10м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17, www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru, ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini qo'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759 11156 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 20.40 Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6